

17 АПРЕЛЬ-КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

КПСС XXIV СЪЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

*** «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ ВА «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИНИНГ МЕХНАТКАШЛАРИ МОСКВАЛИКЛАРНИНГ 1971 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬ КУНИ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАШАББУСИНИ ҚИЗГИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.* ҲАММАМИЗ БИР КИШИДЕК УМУМХАЛҚ МЕХНАТБАЙРАМИГА ЧИҚАМИЗ.* КПСС XXIV СЪЗДИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЯНГИ-ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШ БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ.**

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Бугун

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ 15-МЕХАНИКА-ЙИГУВ ЦЕХИНИНГ ҚИЗИЛ БУРЧАТИДА ЗАВОД ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИНТКУП КИШИЛИК МИТИНГИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Митингнинг цех партия ташкилотининг секретари В. И. Мельников очиб, бу ерга тўлганларга Москвадаги Ленин комсомолни номили автомобил заводи коллективининг КПСС XXIV съезди шарафига 1971 йил 17 апрелда Коммунистик шанбалик қилиш ва шу кунни тушган маблагини янги беш йиллик фондида топшириш юзасидан бошлаган қимматли ва-

танпарварлик ташаббуси ҳақида гапирди. Шундан кейин биринчи кетин машинасозлар сўзга чиқдилар. 15-цех мастери, Социалистик Меҳнат Қахрамони Мустанқи Юсупов, завод ветерани, мастер И. Желтобов, Ленин ордени кавалери П. Злобин, комсомол аъзоси, фрезерчи В. Челаббева, цех бошлиги И. Машченко ўртоқлар қалб сўзларини изҳор этиб, москваликлар бошлаган ташаббусни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Митинг «Ташсельмаш» заводи коллективининг Тошкент шаҳри ва республиканинг барча махнат аҳлига қаратилган муносабатини яқдиллик билан қабул қилинди.

ТОШКЕНТ

20 ЯНВАРЬ 1971 Й
ЧОРШАНБА
№ 16 (1391).
БАҲОСИ 2 ТИЯН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Кечга

«Юлдуз» тикувчилик фирмасыда икки смена ўртасида митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Москвадаги Ленин комсомол номили автомобил заводи мотор цехи коллективининг 1971 йил 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш, шунингдек шу кунни қилган меҳнатдан тушган маблагини янги беш йиллик фондида ўтказиш тўғрисидаги қарорини муҳокама қилдилар. — Биз, унчинчи тикувчилик цехининг чеварлари Москва автомобил заводи ишчилари билан берган ватанпарварлик ташаббусини тўла қўллаб-қув-

Я Н Г И Б Е Ш Й И Л Л И К Ф О Н Д И Г А

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТОШКЕНТ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТИ

ЎРТОҚЛАРИ Биз ажойиб даврда яшапмиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси Ватанимиз бахт-саодати, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан амалга оширилаётган қаҳрамонона ишларга, воқеаларга жуда бой, Ленин юбилей йили ўз ўрнини КПССнинг XXIV съезди ўтадиган йилга бўшатиб берди. Ҳар бир совет ишчиси ҳозирги кунда партия ва халқимиз ҳаётидаги бу муҳим санагини муносиб кутиб олиши уйлайти.

Мамлакатимизнинг sanoat, корхоналари ва курилишларида КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Қўпгина коллективлар шу йилнинг биринчи квартал пиланини муддатидан илгари адо этишга аҳд қилдилар. Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ташсельмаш» заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари жонсаноқ партияимизнинг съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олиши уларнинг ватанпарварлик бурчлари деб билладилар. Ташсельмашчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик пиланини биринчи квартал топширигини 30 мартга, съезд охиридан кунга адо этишга қарор қилдилар.

Москвадаги Ленин комсомол номили автомобил заводи коллективининг 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш ва шу кунни қилган меҳнатдан тушган маблагини янги беш йиллик фондида ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббуси ташсельмашчилар қалбидан ҳам жой олди.

Биз 1971 йилда маҳсулот реализация қилиш ҳажмини ўтган йил билан таққослаганда 3,25 миллион сўмга ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик топширигини 29 декабрда адо этиш ҳамда пиландан ташқари 300 минг сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш юзасидан мажбурият олдик. Ўтган йил билан таққослаганда пахта терши машиналари ишлаб чиқариш 780 тага ошади, шундан 280 таси эса биринчи кварталда ишлаб чиқарилади.

Заводимиз дарвозаларидан «зангори кема»лар чиққананда, биз биринчи гада шаҳар билан қишлоқнинг бу янги йилнинг яна бир ёркин тантанасини кўрамиз. Биз дала меҳнаткашлари — пахтакорларнинг энг яқин мадакорлари бўлиб қолаётганимиздан гога фахрланамиз. Биз бундан «Уроқ ва Болга» иттифоқига содиқ қолиб,

ТОШКЕНТДАГИ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТОШКЕНТ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТИ

1971 йил Ватанимиз тарих соломасига КПССнинг навбатдаги XXIV съезди бўлиб ўтадиган, мамлакатимиз, халқ ҳўналган тўқтинчи беш йиллик тараққийнинг истиқболларини белгилаб берадиган йил бўлиб киради.

Партия амжуминининг очилиши муҳим воқеадир. Унга мамлакатимизнинг барча меҳнат аҳли тайёргарлик кўрмоқда. Саноат корхоналари ва курилишларнинг коллективлари социалистик мусобақани кенг кўлча олдириб, шу кунларда партия XXIV съезди шарафига олдинга юксак оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш учун гайрат кўрсатиб ишламоқда.

Миндан эъди коммунистик меҳнат зарбдорлари бор. Йилик минг киши аллақачондан бери — 1971 йил ҳисобига ишламоқда. 83 киши уч йиллик топширигини, 57 киши тўрт йиллик топширигини удалаб қўйди.

Фирма қирвал топширигини муддатидан илгари бажарганига ҳақида рапорт беради ва пиланга қўшимча равишда 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилади.

Февраль ойда потокли янги ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилади. Ана шу туфайли беш корхона бўйича кўстимлар тайёрлаш бўйича йиллик топширигидан 51,5 мингтага, шим тасини бўйича 89 мингтага, оғди, маҳсулот реализацияси эса яқин миллион 312 минг сўмга кўпайди.

Шу кунларда совет кишилари натта гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Яқинда Москвадаги Ленин комсомол номили автомобил заводидаги мотор цехи ишчилари 1971 йилнинг 17 апрелида партиянинг съездида бағишлаб Коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббуслари маълуи бўлди. Улар шу кунни қилган меҳнатдан тушган маблагини беш йиллик фондида топширишга бел бошлашди.

Тошкент «Юлдуз» тикувчилик фирмасы ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳри меҳнат аҳлининг ташаббусини қизгин қўллаб-қувватладилар.

Пролетарият дохисини Владимир Ильич Ленин шанбалиларини ташкил этиш ва ўтказнишга натта аҳамият берган эди. Унинг «Буюк почин» асарида меҳнат унмудорлигидан шанбалликларда бошқа кунлардагига нисбатан икки-



СУРАТДА: «Юлдуз» фирмаси коллективининг митингида унчинчи цех чевари Софья Шмелёва сўзламоқда.

Топишга газеталарга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Догистон ишчилари, колхозчилари, энгилчилари, барча меҳнаткашларини тарихий сана — Догистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилаётганининг 50 йиллигига қизгин табриқлайдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонида бинои Догистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Октябрь Революцияси ордени билан мувофотланди.

18 январда Кубба саройида СССР Олий Совети Президиумининг Ранс Н. В. Подгорний билан Бирлашган Араб Республикаси президенти Анвар Садат ўртасидаги муносабатлар таълим бўлди. Шу кунни СССР Олий Совети Президиумининг Ранс Н. В. Подгорний Кубба республика саройида Бирлашган Араб Республикаси президенти Анвар Садат шарафига эътиф берди.

Я Н Г И М А Р Р А Л А Р

Пойтахтимиз районларида sanoat корхоналари, курилиш, транспорт, шаҳар ҳўжални ташкилотлари вакилларининг партия-ҳўжални актив янгилишлари бўлиб ўтди. Бу янгилишларда улар мамлакатимиз меҳнаткашларининг 1970 юбилей йилида эришган муваффақиятларига яқин яшамоқда ҳамда КПСС XXIV съезди шарафига янги беш йилликнинг биринчи йили юзасидан белгилаган топшириқларни муддатидан илгари бажаришга қаратилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиняпти.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш ва янги беш йилликнинг биринчи йил топшириқларини муваффақиятли бажаришда партия ташкилотларининг олдида турган вазифаларини аниқлаб беришга қаратди. Райондаги коллективлар номдан музокарада сўзга чиққан: 159-курилиш трести партия комитетининг секретари Х. Ахмедов, «Узгипроводхоз» лойиҳалаш институти партия бюросининг секретари А. Бадалов, «Жилстрой» трести бошқарувчиси В. Термате, «Сувенир» фабрикасининг бригадери Т. Қобулов, 2-пойфазал фабрикасининг бичиқчиси Л. Степанова ва бошқалар ўз корхоналари коллективлари зиммасига олган мажбуриятлар ҳақида гапириб бериб.

Шунингдек, йилгида район меҳнаткашларининг янги йилда қўйидаги марралари белгилаб олинди:

Саноат маҳсулотлари ва курилиш-монтаж ишлари юзасидан белгилаган беш йилликнинг биринчи йили топширигини 25 декабрда шараф билан адо этиш, 1971 йил биринчи квартал топ-

ширигини эса — 29 мартда бажариш.

Пиландан ташқари 2 миллион сўмлик товар маҳсулотини реализация қилиш.

Район курувчилари бир қатор муҳим ҳалқ ҳўжални объекларини куриб фойдаланишга топшириш, шу жумладан 306 минг квадрат метр турар-жой майдонини ишга тушириш, 500 минг сўмлик қўшимча курилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича мажбурият олдилар.

Яшнаган тоғли ўлка



ри ривожлантириш имконига эга бўлдилар. Тарихий қисқа давр давомида ўлкада оламшумул ўзгаришлар юз берди. Октябрь революциясига қадар халқ ёппасига саводсиз бўлган ўлкада шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият гуллаб-яшнади, қишлоқ хўжалиги равшан топти, саноатнинг муҳим тармоқлари юзага келди. Илгари машаққатли ҳаёт кечирган тоғликлар эндилда тўқ ва фаровон турмуш кечиряпти. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайли гуллаб-яшнаган республиканинг доғруги Иттифоқимизга ёйилди.



Ушбу суратда Доғистон пойтахти Маҳаммада шаҳридаги янги қурилган турар-жой биноларнинг кўриб турибсиз. * * * Доғистонлик бастаиор, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мурод Қажлаев

Бундан роппароса 50 йил муқаддам, 1921 йил 20 январда Бутун Иттифоқ Марказий Илгори Комитети Доғистон Автоном Республикасини тузиш тўғрисида декрет қабул қилганди. 30 дан орттиқ элат яшайдиган бу тоғли ўлканинг Автоном Республика деб аташга ҳақимизга катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ўз маданияти ва экономикаси-



Т. ҲАСАНОВ, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тектириш институтининг катта илмий ходими.



БИРИНЧИ ЁРДАМ— БЕМОРГА МАЛҲАМ

Кундалиқ турмушда, киши ишлаб туриб ёки кўча-кўйда кета туриб фалонат туфайли шикастланиб қолгани мумкин, кишининг бирор ери кутилмаганда лат ёйиши, териси шиллиниши ёки кесилиб кетиши, суяги синиши ёки чиниши мумкин. Шундай ҳушсизлик юз берган пайтда шикастланган кишига биринчи ёрдам бера бўлиши унинг жонига оро киради, дардини енгилантиради.

Лат еган ёки эт узилган жойга совуқ компресс қилинади. Бунда грекка ичига муз парчалари солиб, жароҳатланган жойга қўйилади, бу эса тери тагига қон қуйилишининг олдини олади. Беморнинг ёйиши лозим, оғридан икки ёки уч кун ўтгач, иссиқ процедуранлар— ванна, грекка ва массаж қилиш тавсия этилади.

Қўл суякларини бўғиндан лиқиб кетганда билар-билмасдан жойига солишга уриниши ёки табиғия муружаат қилиш ярамайди. Шикастланган қўлни дарҳол фаер, тахта парчаси ёки картон билан тахтакачлаб, мато билан ўраб бўйинга осиб қўйиб, врачга муружаат қилиш лозим. Оёқ суякларини бўғиндан чиққанда эса беморнинг ўрнидан туришига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда дарди оғирлашади. Айни ҳолда ҳам оёқни тахтакачлаб, беморни дарҳол медицина муассасаларига олиб бориш лозим.

Суяк синганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, суяклар ўз ўрнидан қўзғалиб кетиб, шиллиллаб қолади. Баъзан суяк синиши терини йиртиб юборади. Жароҳатланган жойга йод суртиб, тоза биғ билан боғлаб қўйиш керак. Синган оёқ шакли ўзгариб, думбурча бўлиб шиллиб кетади. Суяк синганда беморни дарҳол фаер ёки тахта устига ётқазиб, сўнг синган жойни тахтакачлаш лозим. Бунда синган суяк жойидан юқорига ва

ИСПАНИЯДА СОВУҚДАН КЕЛГАН ЗАРАР

МАДРИД. Испанияда бўлаётган совуқ ва ёғган қор шу асрада махсус бўлмаган даврда кўп бўлади. Бунинг натижасида мамлакатга етказилган зарар 20 миллион долларга етди. Испания вилоятларининг ярмига яқин совуқдан шикастланди. «Ариба» газетасининг ёзишига қараганда, Испания қишлоқ хўжалиги фалокати аҳолига тушиб қолди. «Ариба» газетасининг ёзишига қараганда, Испания қишлоқ хўжалиги фалокати аҳолига тушиб қолди.

Ватанпарварларнинг муваффақияти

Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради: озодлик халқ қуролли қучларининг шимолӣ вилоятларда ҳаракат қилаётган жангчилари 1970 йил декабрь ойида душман солдатларидан 4320 кишини сафдан чиқардилар. Ватанпарварлар шу даврда 27 самолёт ва вертолётни йўқ қилдилар, 189 та ҳарбий машинани, шу жумладан 48 та танк ва бронетранспортерларни, 6 та ёнгини омборини яқсон қилдилар. Ҳарбий материаллар ортлган 5 та состав ағдариб юборилди. 3 та ҳарбий кема сувга ботирилди.

АХВОЛ НОРМАЛЛАШМОҚДА

АММОН. Иордания қўшинлари ва Фаластин қариндеш ҳаракатчи ортирлари Иордания ҳукумати билан Фаластин озодлиги ташкилоти Марказий Комитети ўртасида шу йилнинг 13 январда эришилган битимни амалий бажаришга киришдилар. «Ал-дустур» газетаси битимнинг амалий бажарилишига мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизлигини таъминлай олади, деб ёзди.

ПРАГА МАРКАЗИ ФАҚАТ ПИЁДА ЮРУВЧИЛАР УЧУН

ПРАГА, 1980 йилга бориб ердаги транспорт воситаларининг барча турлари Прага марказида йўқ қилинади. Бу ерда трамвай, автобус ва автомобиллар ўзининг батамом метрополитен ағалари. 1974 йилда Прага метросининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Ун беш йилдан сўнг эса, ша-

РУМИНИЯ ТРАНСПОРТИ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА

БУХАРЕСТ. Янги беш йилликда Руминия транспортини янги ривожлантириш учун ўтган беш йилликда шу мақсадлар учун сарфланган маблағдан 56 процент кўп маблағ сарфланади. Беш йиллик пиланда автомобиль, денгиз ва ҳаво транспортини ривожлантиришга, шунингдек автомобиль йўлларини замонавийлаштиришга, денгиз флотиди юк ташин ҳажмини оширишга, граждн ҳаво флотини ўстиришга ҳам катта аҳамият берилди.

ШАРМАНДАСИ ЧИҚҚАН СИЁСАТ

ВАШИНГТОН. Сенат юридик комиссиясининг қочқинлар иши билан шугулланувчи кичик комиссияси раиси сенатор Э. Кенеди айтдики, Сайгон маъмурулари вьетнамлик қочқинларга инсбатан шармандаси чиққан ва ўз обрўини ўтказмоқдалар. Менинг қўлимда бўлган маълумотлар, деди Кенеди, ҳозирги вақтда Сайгон қочқинларининг «хавфсизлиги ва иқтисодий стабиллиги» таъминлаш баҳонаси билан уларнинг қўлини бошқа жойга кўчиришни план-

ДОМИНИКА РЕСПУБЛИКАСИДА РЕПРЕССИЯЛАР

ГАВАНА. Доминика Республикасида олинган хабарларда айтилишича, мамлакат пойтахти Санто-Доминго шаҳрида махфий ташкилотга мансуб бўлса керак, деб шубҳа қилинаётган бир гурупа номаълум кишиларга полициячилар ўт очган. Натижда тўрт киши ўлдирилган ва бир киши оғир жароҳатланган. Доминика пойтахти бир неча кундан бери икки мингдан кўпроқ полициячи ялпи тивув ўтказиб, жуда кўп одамларни қамоққа ол-

УСЛУБИ

Югославия Федератив Социалистик Республикаси, Сараево шаҳрининг эски қисмида очилган кафега «Тожкент» номи берилди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

20 ЯНВАРЬ, 1971 Й.



Шаҳардаги 3-тез ёрдам медицина хизмати кўрсатиш станциясининг шифокорлар коллективи шаҳарининг Октябрь Киров райони меҳнаткашларига намуналий хизмат кўрсатишмоқда.

Агар шамоллаб қолсангиз...

Киши ҳаммамизга маълумки, йилининг бу даврида шамоллаш касалликлари кўпайиб учрайди. Бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун дорихоналарда ва дорихона пунктларида шамоллашга ва гриппга қарши кенг асортиментдаги дорилар бор.

Аҳолига доридармон хизматини яхшилаш мақсадида дорихоналарда врачлар гомонидан тез тез ёзиб туриладиган кўпгина дорилар олдиндан тайёрлаб қўйлади ва бемор керакли дориларни биринчи келган захоти олиб кета олади.

Гриппнинг олдини олиш ва даволашда эффектив препаратлардан бири профессор А. А. Смординовичнинг гриппга қарши сивороткасидир. У грипп вирусини захарли моддаларини тез зарарсизлантиради, унинг нафас йўллари орқали қонга сўрилишини ўтхатади ва грипп кўзгатувчисининг тарқолишига қаршилик кўрсатади. Шунингдек, препарат грипп вирусига қўшилиб олган хатарли микроорганизмларнинг активлигини ҳам йўқотади. Гриппнинг олдини олиш мақсадида сивороткани 0,5, 0,25 граммдан икки кун давомида бурун катлақларида юборилади, сўнгра то эпидемия туғайинча ҳар уч кунда бир марта юборила-

ТАБИЙ АЖИБ РЕКОРДЛАР

Гродна областининг Вороново шаҳридаги шифохона омборчиси Казимир Урбановичнинг ёши 30 эди. Аммо у 20 хил касалдан хабардор. Тоқарлик, слесарлик, дурадгорлик, механик-темирчилик, электр пайвандчилик, шоферлик касблари шулар жумласидандир. Казимир Урбанович ҳамма ҳунарини ишга солиб, тўрт ўринли гусеничалар вездеход ясади.

Америкалик файласуф ва математик Чарлз Сандерс (1839—1914) бир йўла икки қўли билан ёзган.

Францияда дорла ўйовчи Эмиль Розотон ва унинг раффаси ўн беш метрлик баландликда тортиб қўйилган арқонда бир йўла 174 соату 15 минут ўйнаган. Чарчашган арқон устида галма-гал ухлаган.

Табиий соч, соқол, мўйлаб ва ҳаттоки буридан худо берганлар ҳам бор.

Мурмансклик телеграфистка Муза Сергеевна Образцова сочини ечиб ва ёйиб юборса тақдими етиб, ундан ошиб ҳам кетади.

Америкалик Ганс-Ланозетинг соқоли 3 метр 45 сантиметр келади. У соқолини хамиша тахлаб ва боғлаб юради.

Бомбейлик Масудийнинг мўйлаби 193 сантиметр. канадалик Увлиннинг мўйлаби 55 см, япониялик Ногуонинг мўйлаби эса аттиги ярм метрга етади.

Инглиз Георг — Томнонинг бурни миллион доллар баҳоланган, чунки унинг бурни ўтакетган хид билувчи аяна.

Инглиз Томас Вендеринг бурни энг узун—18 сантиметр ҳисоблана ҳам, ҳеч қандай хид билмайди. Лекин узулликдан рекордин бой бермайди.

Д. АБДУЛЛАЕВА, УЗАПУ информация бўлимининг инспектори.

